

Оила Ва

19 (1326)-сон 10 май 2017 йил
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Жамият



Ушбу сонда:

«САДАФ КЎЧАСИ, 111»



– Ўтган асрнинг 42-йилларида урушга отланган пайтим 18 ёшда эдим, – дея ўтмишни хотирлайди отахон. – Шу билан Белоруссия, Латвия, Литва, Калининградда жанг қилдик. Энг оғир, сапёрлар батальонида хизмат қилдим, ҳар лаҳза таҳликали, ҳар бир дақиқа умримизга зомин бўлиши мумкин эди...

2-бетда



УЛАРНИ АРДОҚЛАБ, ЭЪЗОЗ ЭТАЙЛИҚ!

Кексаларни эъзозлаш миллатимизга хос фазилат, миллий тарбиямизнинг асосий арконларидандир. Ҳар биримиз “Катталарни ҳурмат қилсанг, иззатли бўласан”, деган ўғитни эшитиб улғайганмиз. Азизлар, маҳаллангизда, қўни-қўшниларингиз орасида шундай нуроний зотлар бўлса, йўқлаб, байрам билан кутлаб қўйинг.

5-бетда

ЎЗ ҲУҚУҚИНГНИ ЎРГАН ВА КУЧЛИ ШАХСГА АЙЛАН!

Жамиятнинг тўлақонли шахслари бўлиб улғайиши, фаол фуқаролик позициясига ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмасига эга бўлиши учун ўғил-қизларимиз энг аввало ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта эгаллаши жуда муҳим. Шу боис ҳам мамлакатимизда буғунги кунда ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, улар ўртасида ҳуқуқий-тарғибот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



8-бетда



9 май – хотира ва қадрлаш кун

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида таъкидлаганидек, хотира кечаги ўтмишни, аجدодлар ўғитини, миллий меросимизни англайтиб турувчи – муқаддас китоб зарваракларидек ҳаётимизни ёритиб турса, қадр инсонни юксакликка кўтаради, унинг фаолиятига, орзу-интилишларига, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлайди. Шу эзгу ҳақиқатнинг амалий ифодаси бугун юрт тинчлиги йўлида жасорат кўрсатган фахрийларга қаратилган эътибор ва рағбатда ўз ифодасини топаётир.

ҚАДР ТОПГАН ҚАҲРАМОНЛАР

Бувайда туманида Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийларига енгил автомобилларни навбатсиз сотиб олиш учун имтиёзли сертификатлар топшириш маросимлари кўтаринки руҳда ўтказилди. Вилоят ва туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, “Маҳалла” жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси туман бўлиmlари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари уруш қаҳрамонларининг хонадонларида бўлиб, уларга имтиёзли сертификатлари тантанали равишда топширилди.

Тумандаги Найман қишлоғида яшовчи Зиятали ота Бозоров бу йил 91 ёшни қаршилади. Етти фарзанднинг ардоғида, 21 нафар невара, 73 нафар чеваранинг дуойи жонида. Фашизмга қарши мардондор жанг қилган ўзбек ўғлини урушнинг сўнгги кунигача Ватан ҳимоясида турган. Бугун эрк ва тинчлик учун кўрсатган жасорати муносиб қадр топаётган, давлатимизнинг доимий эҳтиромида турган отахоннинг кўзларида шукроналик ва миннатдорлик ёлқинлари акс этди.

Янгиқўрғон қишлоғида Кенжабой ота Эгамқуловнинг 1943-1944 йиллари Белоруссиядаги жангда чап оёғидан олган оғир жароҳати унга

машъум урушнинг даҳшатли кунларини эслатади. Бироқ бугунги осуда ва фаровон кунлар, авлодларнинг бахтли ҳаётини кўриб, у каби мард ўғлонлар кўрсатган қаҳрамонликлар бежиз кетмаганидан қувонади. Уруш фахрийси хонадони ҳам байрамона шукҳ билан тўлди. Отахон имтиёзли сертификатни қабул қилар экан, давлатимизга, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Уруш ва меҳнат fronti фахрийларини рағбатлантириш тadbирлари Бағдод туманида ҳам давом этмоқда. Ҳозирда туманда истиқомат қилувчи Алижон Ғаниев, Абдуғаффор Турдиқулов, Ўлмас Далимов, Тўйчибой Умаров, Абдусалим Умарасулов, Жўрабой Халимов, Муҳаммаджон Қодиров, Раҳмат Тошпўлатов, Шокирали Тешабоев сингари уруш қатнашчиларининг ҳар бири имтиёзли сертификатларга эга бўлишди.

Эҳтиром тadbирларидан англашилдики, бугун сафимизда юрган, сўнмас ирода ва жасорат соҳиби бўлган кексаларнинг эъозланиши она халқимизга хос бўлган олижаноб қадриятнинг ёрқин ифодасидир.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА

ТИНЧЛИК – УЛУҒ НЕЪМАТ

Бугун Андижон вилоятида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан атиги 82 нафар қолган. Ўтганлар ёди хотирага айланди. Бу инсонлар матонатга, жасоратга ҳайкал бўлишга арзийдилар.

Турсунхўжа ота Ҳожиёвни бугун нафақат олтинқўлликлар, балки вилоят аҳли ҳам бирдек ҳурмат билан тилга олади. Олтинқўл тумани, Жалабек қишлоғи, Уйғур маҳалласига борсангиз, бу нуроний отахонни бир кўриб ўтинг. Ҳали тетик, бардам отанинг ўзи жилмайиб чой узатади. Сўхбатини олиб, кўнглингиз чарогон бўлиб кетади. Юрт қадрини, оила тинчини янада теранроқ ҳис қиласиз...

Олис Руснинг Саратов шаҳрида зобитлар тайёрлаш мактабидда ўқиб, лейтенант унвонини олган йигит 1942 йил 18 ноябрда душманларига Сталинград жангида рўбарў келди. Украинанинг Донбасс, Кривой Рог шаҳарларини немис-фашист босқинчиларидан озод этишда жонбозлик кўрсатди. Миномётчи лейтенант ғалаба билан қайтиб, урушдан кейин Андижон пахтачилик (ҳозирги қишлоқ хўжалик) институтини тамомлади. Катта хўжаликни бошқарган йиллари мамлакатда доврў қозонди.

Бугун Турсунхўжа ота тўрт фарзанд, 50дан зиёд невара, чеваралари даврасида дорилмомон кунларга шукрона айтиб яшамоқда.

Иккинчи жаҳон урушининг жангхорларида кечган кунлар Иминжон ота Темиров ёдидан ҳеч қачон чиқмайди. Оловли йиллар хотираларини фарзандларига, неварачевараларига сўзлар экан, тилидан “шукр” каломи тушмайди: – Дорилмомон кунларнинг қадрига

етайлик. Биз урушни кўрдик, унинг нима эканлигини, даҳшатини билдик. Сизлар, сира уруш кўрманглар, болалар...

1942 йилда биринчилардан бўлиб Ватан ҳимоясига отланган Иминжон отанинг айнаи кучга тўлган йигитлик даври даҳшат ва ваҳшат тўла жангхорларда ўтди. Урушнинг сўнгги кунларигача жангларда матонат кўрсатди. Курил оролларида 1950 йилга қадар ёш аскарлар мактабиди сабоқ берди. Марҳамат туманига қайтиб келгач, умрини дала ишларига бахшида қилди. Пахтачилик ва бошқа соҳаларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшди. Тўққиз фарзандни тарбиялаб, воғна етказди.

Бугун тирик тарих – отахон 39 набира, 45 чеваранинг даврасида кексалик гаштини сурмоқда.

Жалақудук тумани Ойим қишлоғининг Тошлоқ маҳалласида иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан биргина Умарали ота Ҳайдаров қолди. У баҳорни яхши кўради. Ғалаба билан урушдан қайтиб, жамоа хўжалигида ҳайдовчилик қилди. Икки ўғил, уч қизни воғна етказди. Бугун давраларнинг, дастурхонларнинг тўри 93 баҳорни қаршилаган Умарали отаники. Зеро, у бундай қадр-қимматга, эъзозу эҳтиромга 1945 йилнинг 9 май куни эришиб қўйган.

Зилола РАҲМОНОВА

«САДАФ КЎЧАСИ, 111»



“Бу уйда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бўрон Гадов истикомат қилади”.

Пештоқиға шундай ёзувлар илинган хонадонга қадам ташлаш ҳам кишига анчагина масъулият юклайди. Шу тахтачанинг ўзиёқ ушбу ҳовли эгаларига нисбатан ҳурмат-эҳтиромни яна бир қарра оширади. Ургут туманида Бўрон бобонинг сафдошлари ўн нафарни ташкил қилади.

Эшикдан кириб борарканмиз, туман «Нуроний» жамғармаси вакили Ҳабиба Исмоиловани отахон дарҳол таниди.

– Э, Исмоилова, омонмисиз? – дея кўришишларидан улар орасида устоз-шогирдлик

муносабатлари борлиги аён бўлди. Дарҳол ўзлари билган-таниган таниш-билишлари ҳақида суриштира кетдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай, иккови ҳам шу туманда ўқитувчи, узоқ йиллар давомиди турли таълим муассасаларида раҳбарлик қилиб келган экан.

– Ўтган асрнинг 42-йилларида урушга отланган пайтим 18 ёшда эдим, – дея ўтмишни хотирлайди отахон. – Шу билан Белоруссия, Латвия, Литва, Калининградда жанг қилдик. Энг оғир, саёрлар батальонида хизмат қилдим, ҳар лаҳза таҳликали, ҳар бир дақиқа умримизга зомин бўлиши мумкин эди... Бу талотўплардан ғалаба билан юртимизга қайтдик. Онам саккиз нафар ука-сингилларим билан, ейишга ҳеч вақо йўқ, ночор ҳолатда ўтиришибди. Тўғриси, уларни кўриб, бу ердаги аҳвол ҳам фронтдагидан қолишмаганини ҳис қилдим. Фақат фарқи, у ерда йигитлар очик жанг майдонида, бу ерда эса ҳаёт жангида: одамлар умри қил устиди турибди. Олдийгина яшаш имконини топиш инсонларни не қўйларга солди, қанчадан-қанча алпларни ер ўз бағрига олди, неча-неча болалар шунчаки, очликдан нобуд бўлдилар...

Аксарият уруш қатнашчилари сингари отахон ҳам ўша оғир йиллар тафсилотларини кўпам тилга олгиси

келмайди, бугунги тинч, хотиржам, фаровон кунларга шукрона айтади, ёшларга умр сўраб, дуога қўл очади. Ўзи истиқомат қиладиган Сатан маҳалласида жойлашган мактабни 30 йилдан зиёд вақт мобайнида бошқарган отахон бу даврда билим олиш, таълим тизимини йўлга қўйишдаги ишлар осонлик билан кечмаганини хотирлайди. Бўрон бобо бу хизматлари эвазига Халқ маорифи аълочилиги бўлади.

– Ҳар йили Президентимиз томонидан уруш фахрийларини эъзозлаш бўйича қарор эълон қилинади, эътибордан хурсанд бўламиз, шукр қиламиз, – дея сўхбатни давом эттиради отахон. – Айниқса, бу йил юртимизда содир бўлаётган яхши янгиликларни эшитиб, ёшларга ҳавасим келади. Бундай ўзгаришлар даврида фақат ишлаш, маза қилиб меҳнат қилиш керак. Ҳар кун беш маҳал ахборот эшитаман, ҳар сафар инсонлар меҳнатини улуглашга, турмуш тарзини яхшилашга қаратилган нимадир янгиликлар берилаётир. Биринчи Президентимиз ишлари давом этаётгани, барча соҳада янаям шижоат билан янгилашлар содир бўлаётганини кузатиш, эшитиш насиб этиб турибди бизга...

Бўрон бобо кейинги йилларда уруш қатнашчилари учун яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда қарийб ҳар йили соғлигини тиклаш учун турли санаторийларда бўлди, 2001 йилда улуг Ҳаж зиёратини амалга оширди. Беш нафар фарзанд, 32 невара, 80 эвара, 4 чевара бобо атрофида парвона.

Опа келтирган совға-саломларни қабул қилиб олар эканлар, «Эсланганларингизга шукр, Президентимизнинг, халқимизнинг эътибори умримизга умр қўшаётир», дея тўлқинланиб кетди отахон.

Гулрух МҶМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири

ИМКОНИЯТ – ЮКСАЛИШГА ЙЎЛ

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустақамлаш, турмуш шароитини яхшилаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлар ҳар бир жабҳада ўз натижасини бермоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, бандлигини таъминлаш, оилалар фаровонлигини юксалтириш юзасидан муайян вазифаларни белгилаб берган эди.

Мазкур вазифалар ижроси қатъий назоратга олинди, бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Ўзпахтасаноат” ва “Ўздонмахсулот” акциядорлик компаниялари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган лойиҳа асосида туманда 258 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Қувонарлиси, туман марказидан 18 километр узоқда жойлашган “Учсой” овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 100 нафар аёлнинг доимий иш билан таъминланганидир. Яъни, мазкур лойиҳага кўра, уйда ишсиз ўтирган аёлларга замонавий тикув машиналари бепул берилиб, касаначилик билан шуғулланиш имконияти яратилди.

Бугунги кунда туман хотин-қизлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, оила фаровонлигини таъминлашга, жамият равнақиға ўзларининг муносиби улушларини қўшиб келмоқдалар. Жумладан, “Агробанк”, “Халқ банки”, “Микрокредит банк”нинг

туман бўлимлари томонидан 92 нафар хотин-қизга тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун кредитлар берилди.

Туман хотин-қизларининг фаоллиги, ташаббускорлиги, тадбиркорлиги тобора ортиб бормоқда. Таҳлилларга назар солсак, ўтган “Соғлом она ва бола йили” қорақалпоқ халқи ҳаётида, қолаверса, мўйноқликлар учун ҳам самарали кечди.

“Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси – 2016” кўрик-танловининг республика босқичида “Тикўзак” маҳалла фуқаролар йиғинидан Бегзада Қоратоева “Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг яхши лойиҳа” номинацияси ғолиби бўлган бўлса, “Энг яхши бошланғич ташкилот” танловида “Бўзатов” овул фуқаролар йиғинидаги 9-мактабнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси Д.Даниярова иккинчи ўринни қўлга киритди.

Мўйноқ саноат транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиси Н.Батирова “Ораста қизлар” танловининг республика босқичида иштирак этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Маълумки, қаерда талаб, имконият ва эътибор бўлса, шу юрда юксалиш, ривожланиш бўлади. 1- ихтисослаштирилган мактабнинг ҳуқуқ фани ўқитувчиси С.Ержанова “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўрак нишони билан тақдирланган бўлса, 4-мактаб директори ўринбосари Б.Ержанова “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб белгиланиши, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар асосида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги билан



муҳимдир. Биз ҳам бу борада бир қанча вазифаларни белгилаб олдик. Президентимизнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом, шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”, деган кўрсатмалари фаолиятимиз давомида бизга қўшқанот бўлиб, иш самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Зеро, бугун ҳар бир раҳбар халқ билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг дардини, талаб ва тақлифларини тинглай билиши, муаммоларига ижобий ечим топиши, тўғри йўл кўрсатиши, фаровон турмуш шароитини яратишга муносиб ҳисса қўйиши керак. Оилалар мустақамлигини таъминлаш, соғлом ва бақувват фарзандларни камол топтириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, турли ёт гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш, жамиятда тинчлик-барқарорликни сақлаш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, эрта

ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, уй шароитида даромад топиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хотин-қизлар сафини янада кенгайтириш юзасидан маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларида мунтазам равишда дав-ра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб, тушинтириш ишлари олиб боришмоқда.

Мухтасар айтганда, бугун Мўйноқ туманида олиб борилаётган ижобий ишлар замирида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини яратиб бериш каби эзгу саъй-ҳаракатлар мусажжамлиги ҳар бир юрдошимизни бунёдкорлик ҳисси билан яшашга ундамоқда.

Зиёда УТЕГЕНОВА,
Мўйноқ туман ҳокими
ўринбосари, Хотин-қизлар
қўмитаси раиси

“ҲАСАНБОЙ” ЛИКЛАР

Тошкент вилояти Зангиота тумани, Ҳасанбой маҳалласи аҳлига кўпчилик “Миришкор ва тадбирли одамлар”, дея таъриф беради. Озода, шинам идорада МФЙ раиси Баҳромжон Муқимовни иш устида учратдик. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Мупаррах Илҳомова ҳам эл хизматида.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Толиб ота гузарида 300 нафар нуроний отахон онахонларга байрам дастурхони ёзилган экан. Шу куни бемор қарияларга, кам таъминланган оилаларга ҳомилайларнинг совғалари улашилди.

– Маҳалламизнинг 3913 нафар аҳолиси 624 хонадонда истиқомат қилади, – дейди Баҳромжон Муқимов. – Оилалар сони 903 та. Уйма-уй юриб, 150 хонадондаги муаммоларни ўргандик. Иккита хонадон оилавий тадбиркорлик қилиш истагида кредит олишга ёрдам беришимизни сўради. Банкларга мурожаат этиб, бу масалани ижобий ҳал қилдик. Ҳозирда улар паррандачилик билан шуғулланишяпти. 3 нафар одам иш билан таъминланди. Шунингдек, тарбияси оғир бола билан ўтказилган психолог суҳбатларидан сўнг ижобий натижага эришилди.

Маҳалла ҳудудида “Имкон-пласт” – пластик махсулотлар ишлаб чиқарадиган хусусий корхона, “Улуғбек-бизнес” МЧЖ мебель ишлаб чиқариш цехи мавжуд. Янги иш ўринлари ташкил этилиб, бир нечта ишсиз юрган фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ушбу корхона раҳбарияти байрамларда кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганларга ҳомилийк қилиб туришади.

Маҳалладаги 60-мактабнинг тозаллиги, озодалиги, йўлаклар четиға экилган гуллар одамнинг баҳри дилини очади. Ўқувчиларнинг бари мактаб формасида.

– Мактабимизда 339 нафар ўқувчи тахсил олади, – дейди мактаб директори Шаҳноза Исмоилова.

НЕГА БОЙ?



– Ўқувчиларимиз орасидан спортчилар, ийрик тадбиркорлар, таржимонлар ва кўплаб, зиёли, маърифатли инсонлар етишиб чиққан. Биз бундан албатта, гурурланамиз.

Шифохона кўчаси, 12-уйда яшовчи Абзал Абдусатторов оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида “Халқ банки”нинг Келес бўлимидан олти миллион икки юз минг сўм кредит олиб, иссиқхона ташкил қилиб, помидор экибди. Аёли ва тўрт фарзанди унинг ишларида қўшқанот.

Мингсада кўчаси, 26-уйда истиқомат қилувчи Асатилла Асқаров 5 фарзанднинг отаси. Умр йўлдоши Сурайё Асқарова билан кўп йиллардан бери тинч-тотув яшаб келмоқда. Асатилла ака Миробод туманига қарашли “Асакан банк” бўлимидан 60 миллион сўм кредит олиб, чет элдан голланд қора молларини келтирибди. Эзгу мақсади – оилавий тадбиркорликни

Уйма-уй юриб...

йўлга қўйиб, эл-юрт равнақиға ҳисса қўйиш, яхши тўйлар қилиб, фарзандларининг бахтини қуришдир!

Қўрғонча кўчаси, 23-уй соҳиби Дуан Хусанбоев бу йил 92 ёшни қарши олади. Дуан ота 5 ўғил, 2 қизни тарбиялаб, воёга етказиб, элга қўшди. 28 нафар неварга, 40 нафар эвара, бир чеваранинг азиз буважониси. Меҳнат шуҳрати ордени, “Мустақилликнинг 25 йиллиги” кўрак нишони ҳамда “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги” юбилей медали билан тақдирланган отахон бугунги кунларга етгани учун шукроналар айтлади.

– Бизнинг бобомиз маҳалланинг фахри, – дейди кенжа келини Зухра опа. – Қайнонам оламдан ўтганларидан кейин отамга анча қийин бўлди. Бу жудолик қайғусини енгиб ўтишларида барчамиз баҳамжихат бўлиб кўмаклашдик. Ҳозир ўзларини анча тетик ҳис қилмоқдалар.

Ҳаттоки, спорт билан шуғулланадилар. Тўй-ҳашамларда ёшларни йўлда қолдириб, даврани тўлдириб рақсга тушадилар. Илоҳим, бахтимизга тўйларимизда бош бўлиб, юзлардан ҳам ошиб юраверсинлар.

Маҳалла аҳли билан гурунглашиб, нуроний отахон ва онахонлар юзидаги файз нури қалбимизга кўчди. Маҳалланинг 90 фоиз аҳолиси деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланар, шом қоронғисида ҳам меҳнатдан тинмас экан. Уйма-уй юриб, уларнинг турмуш тарзи билан танишар эканмиз, бу манзилни обод этиб яшаётган танти, содда ва самимий одамларнинг меҳнатсеварлиги, тадбиркорлигига қойил қолдик.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири

Телефонга СМС келганини билдириб чалинган куй ишдан бош кўтаришга ундади. Табас-сум қиёфасидаги хабарни очдим: “Нотанишни ром қилинг! Фалон-писмадон рақамга СМС юборинг. Ўз севгингизни топинг. Уч кун бепул, кейин фалон центдан”, дейилганди унда. Аввалига истеъзоли қулиб қўйдим. Сўнг хабарга яна бир кўз ташлаб, ўйга толдим.

Бугун глобаллашув даврининг ёшлар маънавиятига салбий таъсирлари, “оммавий маданият” ниқобидаги ёт унсурларнинг фарзандларимиз дунёқарашига таҳдид қилаётгани хусусида бонг уряғимиз. Бу ҳолатдан жиддий хавотирга туша бошлаганимизга анча бўлган ва бундай кутқулар ёшларни жалғитмаслиги учун зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда: минг-минглаб зиёлиларимиз, давлат ва жамоат ташкилотлари бу йўлда ҳалак. Миллиард сўмлаб (балки доллардир) давлат маблағи сарфланмоқда. Аммо даромад ва фойдадан бошқа нарсани ўйламайдиган мобил алоқа компаниялари ўз манфаатини деб қилаётган “тоатибодатимиз”ни чиппака чиқараётганини қандай тушуниш мумкин?!

Албатта, бозор иқтисодиёти ишбилармонлик, уддабурронликни тақозо этади. Бироқ моддий бойлик илинжида маънавиятга, асрлар давомида ўз оҳорини тўкмай келаётган миллий қадриятларимизга путур етказишга ҳеч ким ҳақли эмас. Мобил алоқа воситалари компаниялари мижозларининг ёши ва дунёқарашини турлича экани ҳисобга олинса, “Нотанишни ром қил!”, “Ёлғизликдан қутул!”, “Баҳорда ўз севгингни топ!” каби тийиксиз хизматлар ортдан маънавиятга жиддий зарар келтирадиган офатларни гап билан адо қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда маънавий иммунитет паст, бемаза ўйинларга, беҳуда кўнгилхушлиқларга муккасидан кетган, умрининг бебаҳо даврини ҳавога совураётган ва оқибатда ҳар хил гуруҳларга

“НОТАНИШНИ РОМ ҚИЛИНГ”

Ёхуд мобил алоқа компаниялари
“хизматлари”нинг миллий
маънавиятимизга таҳдиди

аралашиб
қолаётганлар
жамиятимизнинг
оғриқли нуқтасига
айлангани сир эмас.

Қолаверса, оилавий муносабатлар, ажримлар, қиз-жувонларнинг одоб-ахлоқидаги нуқсонлар, никоҳга хиёнат қилиш каби кечирилмас иллатларга қўл телефонлари ва интернет тармоғи сабаб бўлаётгани кўпчиликни ташвишга солаётгани аниқ. Бутун бошли жамият, оммавий ахборот воситалари, ҳукумат идоралари юқоридаги иллатларни тағ-томлари билан йўқотишга қарши курашаётган бир пайтда, наҳотки, алоқа компаниялари ўзининг номаъқул хизматлари билан оммавий маданият кутқуларини ривожлантиришга хизмат қилаётганини тушунмаса?!

Таҳририятга қўплав юртдошларимиздан мактублар келади. Аксар хатларда йўлини йўқотган, адашган қиз-жувонларнинг изтироби, надомати битилган: “Телефонда бир эркак билан танишиб қолдим. Шунчаки, суҳбат, учрашувлар, кейин гуноҳга қадам... Энди виждон азобидан қутулолмагман. Бошим касалдан чиқмайди. Ҳар кунимни кўрқув билан қарши олиб, хавотир билан кузатаман. Гуноҳкор аёлман. Эрим биллиб қолса, ҳаётим барбод бўлади. Билмаган тақдирда ҳам гуноҳимнинг касри болаларимга уришидан қўрқаман...”

риб билсам, оилали, иккита боласи бор экан. Мени алдаб, ўзини уйланмаган йигитдай кўрсатиб юрган экан...”

Бир эркакнинг дарди ҳаммасидан ошиб тушади: “...Оиламни таъминлай, хотиним, фарзандларим яхши яшасин, бировдан кам бўлмасин, деб узоқларда ишлаб юганимда хотиним телефонда беғона эркак билан танишиб, менга хиёнат қилибди. Болаларимни ўзимда олиб қолиб хиёнаткор хотин билан ажрашдим. Лекин унинг исноди фарзандларимни ҳам, мени ҳам бир умр таъқиб қилиши аниқ...”



Хуллас, хиёнат ва алдовларнинг кўп қисми “телефонда танишиб қолиб” жумласи билан боғлиқ. Ким билади, телефонда оилали эркак билан танишиб, алданган қиз, никоҳига хиёнат қилган аёллар мобил алоқа компанияларининг: “Севгингни топ, дўст орттир, фалон рақамга смс юбор”, каби хизматининг жабрдийдалари бўлиб чиқар?

Айтарсиз: “Таниш деса, танишиб ке-

Оғриқли нуқта

таверадими? Ақли, мулоҳазаси йўқми?” Балки ҳақдирсиз. Аммо ҳар кимнинг қаричи ҳар хил. Ҳамманинг ўлчови, маънавият мезони бирдай эмас. Инсон феълида қизиқувчанлиги бор. “Шу хизматдан бир фойдаланиб кўрай-чи”, “СМС юборсам нима бўларкан?” дея бешарм хизматлар қармоғига илпиниб қолаётганлар қанча экан орамизда?

Сиз нима десангиз денг, бу борада менинг фикрим мобил алоқа компанияларининг бешарм хизматлари миллий қадриятларимиз, менталитетимизга хос одоб-ахлоқ тамойилларига мутлақо мос келмайди. Бу компанияларнинг “Севгингни топ”, “Нотанишни ром қил”, “Дўст орттир” каби хизматлари билан маънавиятимизга путур етказётганини ҳеч қандай сабаблар билан оқлаб бўлмайди. Биргина “Нотанишни ром қил” деган жумланинг ўзида на ҳаё, на андиша ва на орийат бор! Дағалроқ изоҳ учун уз сўраймизу лекин “Нотанишни ром қил” хизмати гўёки фоҳишаликка чорловдек янграяпти. Баски, мобил алоқа компаниялари юртимизда фаолият олиб бораётган ва фойда кўраётган экан, ҳар бир хизмат турида миллий қадриятларимиз ва менталитетимиз билан

ҳисоблашишга мажбур дил-лаш! Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас!

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: маълумки, юртимизда ҳар бир соҳани нazorат қиладиган масъул идоралар бор. Мобил алоқа компанияларини нazorат қиладиган ташкилот йўқми? Бўлса, у идора масъул компанияларнинг хизмат тури, мақсади билан қизиқмайдими? Қизиқса, “Нотанишни ром қил”, “Баҳорда севгингни топ” каби ўзбекона одоб-ахлоқ мезонларига мос келмайдиган хизмат турларини тарқатилишига томошабин бўлиб қараб тураверишадими?!

Умида АДIZОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири

БОЛА ОНГИГА ТАЖОВУЗ

ёхуд фарзанд тақдирига бефарқ қараётганлар



Оилада фарзанд туғилди. Ота-она уни минг орзу-ҳавас билан вояга етказди. Аммо чеккан заҳматлари, меҳнатлари эвазига дилбанди унинг юзига оёқ қўйганини қандай оқлаш мумкин?! Кечагина ўйинчоқ танк, автомат ўйнаб улғайган бола бугун ҳориждаги террорчилик ҳаракатларига аъзо бўлиб, ҳақиқий қурол билан беғуноҳ инсонлар қонини тўкса, бунга жим қараб туриш инсофданими?!

Нима учун бағримиздаги фарзандларимизни ўз қўлларимиз билан ёт юртларга жўнатаямиз?! Ахир бу билан ўзимиз билмаган ҳолда дилбандларимизнинг турли оқимларга қўшилиб кетишига йўл очиб бермаяпмизми?! Юртимиздаги ўқув муассасаларда, маҳаллаларда, жойларда олиб борилаётган тушунтириш ишлари, террористик ҳаракатлар акс эттирилган видеолавҳалар намойиши юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз учун огоҳлиқ дарслари бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ шунга қарамай, экстремистик оқимга қўшилиб қолган айрим ёшларимиз тақдирини телевидение орқали берилаётган кўрсатувлардан қўриб,

эшитиб, афсусланиб кетади киши.

Ёт тупроқда оиласи, яқинлари бағридан олисда юрган ёшлар меҳрга, мурувватга, айниқса, моддий таъминотга муҳтожлик сезмайди, деб ким кафолат бера олади? Ёшларни аввалига яхши гаплар, мўмай даромад билан авраб, сўнгра қўлиқнинг тубсиз чоҳига қўлатаётган террористик ҳаракатлар раҳбарларига айнан бақувват, онги саёз, мафкурафий иммунитет паст, маънавият шаклланмаган йигит-қизлар кераклигини билиш қийин эмас.

Нигорахон НИЗОМОВА, Андижон шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

— Ёшларимиз маънавиятига эътибор бериш, уларнинг турли диний-экстремистик оқимларга қўшилиб қолишининг олдини олиш биз педагогларнинг ҳам масъулиятли вазифамиздир. Биринчи Президентимиз Исрол Каримов ўзининг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарига “Маънавият биринчи навбатда инсоннинг руҳан поклянишидир...” деган эди. Бугун дунёни ларзага солаётган терроризмининг аянчли оқибатларини истиклол бераётган имкониятлар билан солиштирган ҳолда маънавият дарслари ташкил этмоқдамизки, бу ҳам ўқувчиларимизга ижобий таъсир қилмоқда.

Кенжавой ШАМШАТОВ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими мутахассиси:

— Маҳалла — тарбия ўчоғи. Халқимизда бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақл бор. Бола уйдан кўчага қидими, демак, унинг назоратига бораётган

жойи, таълим муассасаси, иш жойи, атрофидагилар жавобгар. Маҳалла маслаҳатчилари олдига қўйилган долзарб масалалардан бири ҳам айнан бугун ёшларимиз бандлигини таъминлаш, уларнинг хорижга чиқиб кетишларининг олдини олиш, оилада соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Ёт гоёлар таъсирига тушиб қолмасликлари, разил кимсаларга алданмасликлари учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз зарур. Бунинг учун ўз навбатида маҳаллаларда, ҳудудлардаги мактаб ва коллежларда диний-экстремистик гуруҳлар фаолиятлари акс этган видеолавҳалар намойиш этилмоқда. Кўпоровчилик оқибатлари, миллатларини, тинчликни енгиллаш бўлган ҳаракатлар ҳаммани бирдек огоҳликка чорлаши керак.

Ўзларини ислом давлатини барпо этувчилар, деб атаётган кимсалар, турли экстремистик, террористик гуруҳлар муқаддас дин ортига беркиниб яшаётган, қон тўкиб “йўрайдиган” разиллардир. Динимиз одамларни яхшликка, эзгуликка чақиради — қонхўрлик ва хунрезликка эмас!..

Биринчи Президентимизнинг қуйидаги сўзларини ёдга олайлик: “Фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашамиз”. Демак, бугун мана шундай кенг имкониятлар кучоғида, мустақиллиқнинг бахтиёр бағрида тинчликка муносиб бўлишни, илғор фикрлар билан яшашни шиор билишимиз, ҳар қандай ёт гоёлар, оқимлар таъсиридан узоқ бўлишимиз шарт!

Зилола РАҲМОНОВА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОПИЯТ МИППИЙ БАНКИ

Ўз истеъмоп кредитпарини таклиф этади

Кредитнинг энг юқори
миқдори - Энг кам иш ҳақининг
300 баробари миқдоригача
(ҳозирги кунда 144 932 500 сўм);
Кредит муддати - 5 йилгача;

- Кредит қуйидаги мақсадларга берилади:
- Уй жиҳозлари хариди учун (барча турдаги мебел, гилам, ванна, раковина, парда ва бошқалар);
- Уй-рўзгор буюмлари хариди учун (идиш товоқ, сувенир, бил-лур, қандил ва бошқалар);
- Оргтехника ва маиший буюмлар хариди учун (телефон, комп-ютер, телевизор, газ плита, музлаткич, кондиционер, духовка ва бошқалар);
- Даволаниш хизматлари тўловларини амалга ошириш учун (даволаниш, тиш қўйиш операциялари, пластик жарроҳлик опе-рациялари ва бошқалар);
- Саёҳат ёки сиҳатгоҳ йўлланмаларини сотиб олиш учун (Хо-рижга, Ўзбекистон ичида барча турдаги саёҳатлар);
- Қурилиш маҳсулотлари учун (цемент, шифер, брусчатка, гипсакартон, пластик ва алюминь профиллари, гипс, алебастр, оҳак, арматура, қувур, кафель ва бошқалар);
- Тайёр қурилиш маҳсулотлари учун (темир дарвоза, панжара, брусчатка плиталари, ёғоч, алюминь, пластикдан ясалган эшик-ромлар);
- Кўп қаватли хонадонлар ва ҳовли жойларни таъмирлаш ишлари учун;
- Хонадонларга газ, электр, сув улаш хизматлари учун;
- Тўй маросимлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун (юби-лей, туғилган кун);
- Автотранспорт воситаларига метан, пропан газ, мосламалари-рини қўйиш хизмат тўловлари учун;
- Автотранспорт воситаларини таъмирлаш хизматлари учун;
- Заргарлик буюмларини сотиб олиш учун;
- Спорт, фитнес анжомларини сотиб олиш учун;
- Махсус ўқув курсларида ўқиш учун (ҳамширалик, ҳайдовчи-лик, муқобил хизмат тўловлари, келинликка тайёрлаш, чеварлик, тил ўрганиш курслари ва бошқалар);
- Медицина коляскалари ва бошқа соғлиқни тиклаш анжом-лари сотиб олиш учун;
- Қонунчиликда белгиланган бошқа мақсадлар учун.

Кредит таъминотининг қуйидаги турлари қабул қилинади:

- Мол-мулк гарови, шунингдек, кредит ҳисобига сотиб олина-диган мол-мулклар;
- Пул маблағлари ва унга доир ҳуқуқлар;
- Учинчи шахс кафиллиги;
- Қонунчиликда белгиланган бошқа таъминот турлари.

Кредитни расмийлаштириш учун зарур ҳужжатлар:

- Кредит олиш учун ариза;
- Паспорт ёки шахс ва турар жойни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат;

● Иш жойидан даромадни тасдиқлайдиган, белгиланган тартиб-да расмийлаштирилган, маълумотнома ёки олинган даромад ёки маблағларни ҳужжатлаштирилган асосда тасдиқлайдиган ҳужжат;

- Кредитни қайтарилишини таъминлайдиган ҳужжатлар;
- Товар ва хизматларни сотиб олиш юзасидан шартнома.

* Кредит маблағлари Ўзбекистон Республикасида иш-лаб чиқарилган товар ва хизматлар учун берилади.

Қўшимча маълумотларни (0 371) **150-70-94**
телефони орқали ёки Банкнинг исталган бўлим филиалидан
олишингиз мумкин.
www.nbu.uz Хизматлар лицензияланган

Инсон азии...

Бекатда 90 ёшлардаги бир

киши эътиборини тортди:

Кўксига қатор орден-медаллар. Охори тўкилган костюми ичидан гижим бўлса-да, озода кўйлак кийиб, урфдан қолган галстук тақибди. Анча пиёда юрган шекилли шими тизза-сигача чангга ботган. Туфлисига ғубор қўнган. Бўёқлари ўчган, эски аккордеонни елкасига осиб олибди. Бир қўлида уч дона чиннигул. Иккинчисига беш-олтита елим халта... Уларда оз-оздан кулупнай, помидор, бодиринг, ширинлик-лар кўринади...

УЛАРНИ АРДОҚЛАБ, ЭЪЗОЗ ЭТАЙЛИК!

Тоза-ораста

кийинган йигит-қизлар, тўқис-тўқлиги сезилиб турган салобатли эркаклар, бежи-рим либослари ўзига ярашган қиз-жувонлар қарияга ажабланиб кўз ташлаб, ўзини тортиб, четроқдан айланиб ўтади. Қариянинг атро-фидагилар билан иши йўқ. Хира тортган кўзлари алланечук чақнаб



автобус ҳайдовчиларидан нималар-нидир сўрайди. Кимдандир саволига жавоб олса, бошқа биров гапини эшит-магандек юзини тескари ўгиради. Шу маҳал 50-60 ёшлардаги икки аёл қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. "Вой савил, бу чолга ким гул бера қолибди?", деди улардан бири. Иккинчисининг гапи ун-дан ҳам ошиб тушди: "Қариб қуюлмаган-ей, учрашувга кетаётгандир-да".

Бу гапдан негадир дилим огриди. Чунки отахонни кўрганимдаёқ, кўнглимда унга нисбатан эҳтиром уйғонган, бораётган манзилини ҳам ўзимча тахмин қилган эдим. Ахир шу кунларда улуг айём – Хотира ва қадрлаш куни қалбимизда ўзгача шуқуҳ уйғотмаганими?! Шу йили 4 апрелда Президентимизнинг "Ик-кинчи жаҳон уруши қатнашчиларини раббатлантириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганидаёқ мамлакатимизда байрам кайфияти уйғонди, бу эътибор ва ғамхўрликдан қанчадан-қанча ота-хонлар ва онахонларнинг кўзлари севинч ёшларига тўлди. Жойларда Президентимиз Фармонида белги-ланган пул мукофотлари ўз эгаларига тантанали равишда топширилгани-да, ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари фахрийлар хонадонларига ташриф буюриб, уларга совғалар топширганида нафақат кексаларимизнинг, балки уларнинг фар-зандлар, невараларининг ҳам кўнгли осмон қадар кўтарилди.

Эски аккордеонини елкасига осиб, қўлида уч дона гул билан жавдираб турган бу отахон ҳам ана шундай эътибордан шахдланиб, жанглار-да елкадош бўлган биродарлари, сафдошлари билан дийдорлашгани ошиқаетгандир. Қай бир оғир кунда кўнглини кўтарган инсонларни йўқлаб бораётгандир. Нима бўлганда ҳам бу отахоннинг уруш кўргани, уруш қийинчиликлари захрини тортгани ва инсонийлик оқибати туфайли кўчага чиққани кўриниб турибди.

Шошиб-ошиқиб бораётган салобат-ли эркакларга, шахдли-шиддатли ёш йигитларга умидвор нигоҳ ташлайман: қанийди улардан бири қарияни қўлидан тутиб, машинага ўтказиб, борар манзи-лга етиб олишига кўмаклашса... Жуда бўлмаганда, автобусга чиқариб қўйса... Аммо ҳамма ўз хаёли, ўз ташвиши би-

лан овора.

Иккинчи жаҳон урушида жон олиб, жон берган, фронт ортида туриб меҳнат қилган бундай одамлар ора-мизда энди унчалик кўп эмас, азият-лар. Улар йил ўн икки ой ўз уйи, ўз маҳалласидан чиқмас, аммо шу кунларда (балки яна ўн-йигирма кун, балки бир ой) уйда ўтиришолмайди. Чунки 9 май яқинлашганда 72 йил аввалги ғалаба нашидаси қалбларини титроққа солиб, уларни кўчага, одам-лар орасига етаклайди. Ўзлари каби уруш кўрган одамлар билан дийдорлашмоқни, улар билан ғалаба нашидасини қайта ҳис этмоқни ис-тайдилар. Жуда бўлмаганда, пойтах-тимизнинг Мустақиллик майдонидаги, вилоятлар марказларидаги Хотира хиёбонларига бориб, жанглардаги елкадош дўстлари хотирасини ёд этиш учун ҳам кўчага чиқадилар! Қалбларида 9 Май билан боғлиқ дунё-ларга татиғулик хотиралар бор. Бу хотиралар улар учун жуда азиз, жуда муқаддас!

Ана, эски аккордеон ва бир даста гул кўтарган отахон ўз автобуси сари одимлаб борапти. Ҳадемай кўзлаган манзилига етади ва дўстлари билан дийдорлашиб, 1945 йилдаги навқирон йигитдек аккордеонни чалиб, қўшиқ куй-лайди, инсониятнинг фашизм устидан қозонган ғалабасининг 72 йиллигини нишонлайди.

Кексаларни эъзозлаш миллати-мизга хос фазилат, миллий тарбия-мизнинг асосий арконларидандир. Ҳар биримиз, "Катталарни ҳурмат қилсанг, иззатли бўласан", деган ўғитни эшитиб улғайганмиз. Азиятлар, маҳаллангизда, қўни-қўшниларингиз орасида шундай нуруний зотлар бўлса, йўқлаб, байрам билан қўтлаб қўйинг. Уларга совға-саломнинг кераги ҳам йўқ, аммо тинчликнинг нақадар буюк неъмат эканини, одам-одамга ғаниматлигини яхши билишади. Кўча-қўйда учратсангиз, бекатларда жа-вдираб туришган бўлса, манзиллари сари йўллаб қўйинг! Уларга эҳтиром кўрсатайлик. Зеро бугунги тинч, осой-ишта, тўқин-сочин кунларимизда ҳаёт чигириқларидан, уруш даҳшатларидан омон чиққан бу фидойи инсонларнинг катта ҳиссаси бор!

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА



9 май – хотира ва қадрлаш кун

Хотира саодати



Катта лавозимларда ишласа-да, на машинамиз бўлган, на ҳашаматли уйимиз. Онам раҳматли асли тошкентлик бўлиб, жуда ғайратли эдилар. Уларнинг шу феъли камтарона ҳаётимизни тўлатқис этарди.

Отам нафақага чиққанида олийгоҳни томонлаб, у кишининг касбини давом эттирдим. Машаққатли иш, дея олдин рози бўлмадилар. Қатъият билан ишга киришганимни кўргач, эътироз билдирмай қўйдилар. Ишонсангиз, ишдан кеч қайтганимда газета ёки китоб ўқиб, мени кутиб ўтирардилар. У кишидан бизга катта маънавий бойлик, илмга муҳаббат, одамгарчилик, озроқ бўлсада қаттиққўллик қолди. Ўз фаолиятлари давомида кўплаб орден-медаллар соҳиби бўлиб, юзлаб

ташкил этиб, набираларимни китоб ўқийётганларидан завқлансам, деган орзуларим бор...

Бу сўзлар замиридаги дардди, армонни англадим. Уйимизга кўпчилик келиб кетарди. Улар орасида у кишининг қанчалар тўғри ишлаётганини текширишга келувчилар ҳам борлигини кейин билганман. Бугун ҳовлимизда отам эккан анжир ушутлар, олма, анор, беҳи, нашватилар ўсиб ётибди. Ҳаттоки 4,5 сотих жойда иссиқхона ташкил этиб, лимоннинг "Мер" навини ва кўкатлар етиштироқмадими. Отам хоҳлагандек, ҳовлимиз бир бўстонга айланди. Яна бир орзулари ҳам ушалди:

ПОСБОНИМ, БОҒБОНИМ ОТАМ

– Нурунийлар ҳақида сўз кетганида кўз олдимизга уйимизнинг зийнати, фахр-ифтихоримиз ота-оналаримиз, бобо-бувиларимиз келади, – дейди Бекобод туманидаги Хос шаҳарчасида истиқомат қилувчи нафақадаги подполковник Бахтиёр Хўжамонов. – Мамлакатимизда инсон қадри-қиммати баланд, хотираси муқаддас тутилади. Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелда эълон қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони нуруний кексаларимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилаётганининг ёрқин намунасидир.

Отам подполковник Худайберди Хўжамонов ҳам бир умр эл-юрт хизматига камарбаста бўлди. 35 йил ички ишлар

соҳасида халқ тинчлиги ва осойишталиги йўлида меҳнат қилди. Болалик пайтимиз отамни жуда кам кўрардик. Ишда ва хизмат сафарларида юрганида онам раҳматли Зухраҳон ая ҳам ота, ҳам оналик вазифасини бажарарди. Оилада бир ўғил, уч қиз эдик. Томорқа юмушларини ва ундан фойдаланишни онамдан ўргандик. Отам хизмат юзасидан бошқа вилоятларга юборилса, биз ҳам ярим кўч-кўронимизни олиб, унинг ортидан жўнардик.

Отамнинг энг яхши кўрган машғулоти мутолаа эди. Эсимда, 2-3-синфларда ўқийётган кезларим "Робинзон Крузо саргузаштлари"ни бир кечада ўқиб чиққанини айтганида китобга меҳрим тушган. "Китоб оқ-қорани ажратишни ўргатади", дерди отам ҳамиша.

Оилада қаттиққўл, жиддий одам эди.

шогирдларни тарбиялаганлар. Бир умр ўз касбини севиб, ардоқлаб ўтди. Шу билан бирга фарзандларини ҳам суйиб катта қилганликларини яхши эслаймиз. Сингилларим Гулчехра, Гулзода, Гулнора олий маълумотли, ўз касбининг устаси.

– Оддий деҳқон боласи эдим, – дедилар бир кун. – Тўққиз фарзандни баъзур едириб-ичирган ота-онам уй-жойимизга ҳам яхши эътибор беришмаган. Ишлаб, укаларимнинг оёққа туриб олишларига ёрдам бердим. Қўлимдан келганча одамларга яхшилик қилдим. Бироқ сизларни кўркам уйларида ўстирмадим, таълим-тарбияда онангизнинг роли катта бўлди. Энди мустақиллик шамолли эсди. Юрагимнинг туб-тубида бир уй қурсак, эл ҳавас қилса, катта боғи бўлса, мевасини халқ еса, кутубхона

набиралари мутолаага меҳр қўйишди. Бобоси қолдирган энг нодир асарлардан кутубхона ташкил этдик. Кексайган вақтларида ҳам фарзандларим Худойёрхон, Нозимахон ва Иноятхоннинг ўқишларини назорат қилардилар. Ҳаттоки, Нозимахонни 4 йил давомида эринмай, ҳар кун 10 км. масофага олиб бориб, тайёрлов курсида ўқитдилар ва қизим гранд асосида институтга кирди.

Мана, уч йилдики, отам орамизда йўқ. Агар ҳаёт бўлганларида саксон ёшга тўлардилар. Келин-куёвлари, барча танишлари у кишини ширин хотиралар билан ёдга олишади. Улардан қолган энг гўзал хотиралар қалбимизни ёритиб туради.

Нигора ЎРОЛОВА
ёзиб олди

Дадам ҳақида ўтган замонда гапириш менга қанчалик оғир бўлмасин, шунчалик масъулиятли ва шарафлидир. Ота-онаси билан ғурурланиш, уларга муносиб фарзанд бўлиб яшашга интилиш инсон учун ниҳоятда улуғ саодат. Шукурки, ана шу бахтдан бошимиз баланд.

Дадам Даврон Холиқов 1948 йилда Қашқадарё вилояти Касби тумани Қатагон қишлоғида таваллуд топганлар. 1970 йил Бухоро давлат педагогика институтини, 1981 йил Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини, 1983 йил Москва ветеринария академиясини тугатганлар. Педагогика фанлари номзоди. Бир қатор рисола, монография, ўқув қўлланма, илмий-оммабоп мақолалар ва илмий дастурлар муаллифи.

Қарши давлат университетининг педагогика кафедрасида, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли "Ўқув услубиёт" марказида директор, республика "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари ўринбосари лавозимларида ишлаганлар. Улар том маънода оилашунос олим эдилар. Дадам ёзган бир қатор рисоалар маҳаллаларда ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган "Ота-оналар университети", "Оила дорилфунуни" курсларида оила ва никоҳнинг мустақамлашиш омилли бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз томонидан отамнинг меҳнатлари Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги ва йигирма йиллиги муносабати билан кўкрак нишонига муносиб кўрилди.

Дадам мен учун дунёдаги энг меҳрибон ва комил инсон эди. Биз учун елиб-югурар, муаммоларимизни ўйлардилар. Катта акамнинг хасталиги дадамга оғир зарба бўлди. "Ўғлимнинг тобутини кўрмай", деб қайта-қайта

ИБРАТЛИ УМР

такрорлардилар. Отам раҳматлининг вафотларидан сўнг бир йил ўтгач, акам дунёдан ўтдилар.

Ота ҳақида сўз айтганда ҳамманинг кўз олдида ўзининг меҳрибони, ғамхўри келади. Дадамдаги фазилатлар балким, ҳамманинг ҳам отасида бордир, лекин ҳар биримиз учун ўзимизнинг дадамиз бошқача бўлиб қолаверади. Чунки фарзанд, айниқса қиз бола учун бу дунёда отадек ғамхўр, отадек бағрикенг одам топилмади.

Ўзлари учун яшамадилар дадажоним. Шу кўнглимга оғриқ солади. Онажоним билан биз фарзандларининг роҳатини кўраман, деганида, бизни ташлаб кетдилар...

Биз ортларида қолган фарзандлари, набиралари дадамнинг хайрли ишларини давом эттириб, инсонларга яхшилик қилишга, ўз меҳнатимиз, фидойилигимиз билан "Отанга раҳмат!" деган эътирофга эришишга уриниб яшаймиз. Ўйлайманки, шунда дадамнинг руҳлари шод бўлади.

Бугун уч фарзанд, ўн икки невара ҳар лаҳза отамнинг ёди билан яшаётган онамга тиргак бўлишга ҳаракат қилияпиз.

Инсон юз йил яшаб ҳам одамларга ҳеч қандай наф келтирмай соядек ўтиши мумкин. Дадам олтимш тўрт йиллик қисқа ҳаёт йўлида ота-онасига муносиб, дуосини олган фарзанд, жигарларига меҳрибон ини, оиласига вафодор, ҳар томонлама суян бўла оладиган умр йўлдош, фарзандларига ўрнак бўлишга арзирли ота, шогирдларига яхшилик соғинадиган адолатли устоз бўла олдилар.

Фируза ХОЛИҚОВА,
журналист

Ҳар гал меҳнат таътилимда қишлоққа борсам, энг аввал сизга дуч келардим. Орқа ҳовлимиздаги кафтдеккина ерда куймала-ниб юрган бўлардингиз. "Ўйда ўтирсангиз бўлмайдимиз? Сиздан бошқа ушлайдиган одам йўқми?", деб ёзғирсам: "Болам, мени шу ер одам қилган-ку", деб жилмайиб, кучоқ очиб қаршилардингиз. Энди қишлоққа борсам ер ҳам ҳувиллаб ётибди, дарвозахонамиз ҳам мунғайиб қолган.

ФАРЗАНДЛАР ҒУРУРИ

Олти фарзандни дунёга келтириб, тарбиялаб, ўқитиб, юрт қорига камарбаста инсонлар қилиб, элга кўшдингиз. Гарчи биз: "Дадам ҳали узоқ яшасалар бўларди, ахир олтимш уч ёш дегани, умрнинг роҳат фасли эмасмиди!" деб армон қилсак-да, сиз бу дунёдан беармон кетдингиз.

Ҳар бир фарзанд ота-онаси ҳақида ғурурланиб, кўксини тоғ қилиб гапирарди. Биз ҳам сизнинг – Маҳмаюсуф Раҳимовнинг фарзанди эканимиздан ғурурланамиз. Нуфузли олий ўқув юртларига ўз билимимиз билан талабалikka қабул қилинганимизда қувончдан кўзларингиз порлаган кун, ҳаётимизнинг энг бахтли они эди. Бундай бахтиёрликни отасининг инсонийлик фазилатлари ва ҳурмат-эътиборидан фажрланиб: "Мен Фалончининг фарзандиман!" дея баралла айта оладиганлар тушунади...

Ҳар кун тонгда ўқувчиларим олдида кирганимда сизнинг нигоҳингизни ҳис қиламан. Мана, уч йилдики, вафотингиздан кейин ҳам бизга бош бўлиб келяпсиз. Муносиб ота бўлиб ёруғ дунёимизни жаннат қилдингиз, бизнинг дуоларимиз чин дунёда сизга жаннатдан кўшқ курсин, дадажон!...

Манзура РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳридаги 39-мактаб
ўқитувчиси



КҮНГЛИНГИЗГА ЦАРЗ ЕТМАСИН

Гоҳ ташвишлар гирдобиди, гоҳ қувончлар оғушида умримиз ўтиб бормоқда. Кимга яхшилик қилдик, кимдан озорландик: бу ҳақда ҳар доим ҳам ўйлайвермаймиз. Ҳаёт эса ҳамма нарсани вақти-соати билан ўз жойига қўяр экан!

ҲАҚ

У сочлари тақимини ўпган, ой билан ҳусн талашган бир қиз эди. Кўнгли қўйганининг ҳарбийдан қайтишини интизор кутаётган кезларида бошига мусибат тушди – бир кунда ҳам отаси, ҳам онасидан айрилди.



Ипак қуртларига барг кесиб келаётиб, улар машинада сел ювиб кетган йўлдан жарга қулашган. Икки уканинг тақдири шу қизганининг қўлида қолди. Суйгани ҳарбийдан қайтди, аммо унинг онаси етим қизни келин қилишни истамасди...

Қизгина куйди-ёнди, аммо, аввало, укаларига керак эканини ҳис қилди. Улар учун тинмай ишлади. Йиллар бир-бирини қувиб ўтаверди. Қиз ўттизини қоралади. Икки ука мактабни тамомлаб, институтга кирди. Опа уларни ўқитди, кечаю-кундуз тиним билмасида, бировдан кам қилмади. Келинларни туширганида, қувонч ёшлари билан бирга бўғида фарёд уйғонди. Аммо кўнглининг исёнларини бировга сездирмади. Укасининг болалари туғилганида, топганини тугиб, туғруқхонага югурди.

Бугун ўша чақалоқлар улғайиб, овозлари дўриллаб, йигит бўлиб қолган. Опа эса қарида, ёши олтимишга қараб кетаяпти. Укаларининг болаларини елкасида опичлаб катта қилмагани, кеча бири туни билан уйга келмагани, ухламай чиқди. Тонга яқин оёқ учида

қилиб келаётган ўспиринга танбех бермасликдан ўзини тутиб туролмади.

– Эрталабдан нима шовкин? Тинчлик борми ўзи? Опа, бу кап-катта бола бўлса, намуна тергайверасиз?

– Ёмонларга қўшилиб қолмасин дейман-да, ука...

– Э, керак бўлса, мана биз – ота-онаси йўлга солиб оламиз, билдингизми? Сизнинг ҳақингиз йўқ, уни тергашга! «Сизнинг ҳақингиз йўқ!!» Опа-нинг кўз олдида еру осмон чирпирак бўлиб кетди. Мувозанатини аранг ушлаб қолди. «Ҳақим бўлмагани учун шунча йиллик умримни шуларга бағишладимми?» деган савол юрак-бағрини ўртаб ўтди. Йиллар уни енголмаган, армонлар уни таслим қилолмаган эди, бироқ шу биргина сўз унинг қаддини букди, тушакка ётқизиб қўйди...

АНДИШАСИЗ ШОГИРД

У ишга келганида, тортинибгина турадиган содда қиз эди. Ҳеч нарсани, ҳатто одамлар билан рисоладагидек саломлашишни ҳам билмасди. Уни қанотингга олдинг. Кўп нарсаларни ўргатдинг. Ундан вақтингни, тажрибани, билимингни аяматдинг. Ёмонини яшириб, яхшисини оширдинг.

Аста-секин истеъдоди шаклланди, кўзга кўрина бошлади. Бир-икки даврада номи тилга олинди. Бундан



севиндинг. Ахир, устозлик саодати ҳам шунда-да!

Аммо энди у ўзгарганди. Шундай ўзгаргандики, шогирдингни таний олмасдинг. Дилдан сўхбатлашиб олишни таклиф этганида вақти йўқлигини баҳона қилди. Шунда ҳам дилиннга ёмон ўйни келтирмадинг, ростдан ҳам иши кўпдир, дединг. Бир куни ташкилотга ходимларни қисқартириш рўйхати келганида, ана шу шогирдинг йиғилишда сўз олди.

– Менимча, кексалар ёшларга ўрин бўшатиши керак. Келажак – ёшларники, кексаларимизнинг нафақага чиқадиган пайти аллақачон келган, назаримда...

Гапининг қолганини эшитмадинг, қулоқларинг чим битган эди. Ахир бу ерда кекса одам биргина сен эдинг. Тўғри, нафақага чиқиш пайтинг аллақачон келган бўлса-да, ҳавас учун эмас, мажбуриятдан ишлаётганингни ҳамма билар эди. Бевақт вафот этган қизингнинг икки норасидаси сенинг топганингда кўз тикиб яшаётганини фақатгина мана шу андишасиз шогирдинг билмас экан, холос...

Шу куниёқ ариза ёздинг. Бошқаларнинг ҳай-ҳайлаши, далдаси ҳам кўзингга бешафқат ҳаётнинг риёсиди туюлди.

Ўлмадинг, яшаяпсан. Аммо ўша шогирдинг ҳақида ўйласанг, дилинг огрийди, ёмон огрийди...

ЖАЗО

Касалхонага ишга келганингда, бу фаррош аёл негадир, сени ёқтирмади. Такасалтанг жиянига турмушга чиқишга рози бўлмаган кўнглидан кейин эса, қиз бола бошингга турли маломатларни ёддира бошлади.

– Кеча бу қизни бўлим мудирининг хонасидан чиқаётганида кўрдим, қадам олиши чаккига ухшайди. Жиянимни худо асраган экан,

Ҳаёт – муаллим

– деди ҳамкасабалар ўртасида.

Шу гапдан кейин бошинг эгилди. Тўхматчиларнинг тили бир қарич, сенин эса тарафингни оладиган одам ҳам, гувоҳинг ҳам йўқ эди. Тез орада бу маломат қишлоғингача етиб бориб,



сенга совчи қўймоқчи бўлганларни ахиддан қайтарди. Отанг дарғазаб бўлди... Сен эса ожиз эдинг. Кўз ёш тўкишдан бошқаси кўлингдан келмади. Дилинг огриса-да, тиш ёрмадинг, ўша аёлни худого солдинг.

Кўп ўтмай, бошқа бўлимга ишга ўтиб кетдинг. Кейин шаҳар шифохонасига, сўнгра вилоятга ишга ўтдинг. Илмий иш ёқладинг. Отанг вақти келиб сени тушунди, кечирди. Турмуш қурдинг, ширингина оиланинг соҳибаси, ақллихушли, болаларнинг онаси, нуфузли шифохонанинг бош шифокори бўлдинг.

Бир куни ҳузурингга сочларига оқ, юзларига ажин тушган аёл кириб келди. Уни аранг танидинг, танидинг-у, тананг-да титроқ турди. Бу ўша – фаррош эди.

– Қизимнинг ҳаёти сизнинг кўлингизда, илтимос, уни бу маломатдан қутқаринг! – дея зорланди у.

Маълум бўлишича, қизи турмушга қимқай ҳомиладор бўлиб қолибди... Аммо вақт ўтган, ҳомилаи олиб ташлашнинг имкони йўқ эди. Дунёнинг ҳисоб-китоби эканига бир далил эдимки бу ё тасодиф, барибир, фаррош аёлга раҳминг келди. Кўзларинг беихтиёр ёшланди.

Шахло ТОШБЕКОВА

Ота-оналар болаларга ҳар куни маълум миқдорда пул бериб туриши керакми ёки аксинча, уларни умуман пулга ўргатмаслик лозимми, деган савол ҳар доим баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Аслида эса болалар чўнтагида пули бўлишини хоҳлайди. Шундай экан, ота-она болага пул бериш билан бирга унга тўғри сарфлашни, аниқроғи, иқтисод илмини ҳам ўргатиши лозим.

Қадимги ривоятда айтилишича, ота ўғлини бозорга юбараётиб унинг қўлига пул тутқазиб: “Ўғлим, мен берган пулни яна қайтариб олиб келинг”, дейди. Бола отаси айтган гапни йўл-йўлакай ўйлаб кетади. Ахир қандай қилиб харид учун берилган пулни қайтариб келиш мумкин? Тасодифан бир отахонга рўпара келади ва отасининг гапини унга айтиб, маслаҳат сўрайди. “Ўғлим, сен бозордан энг яхши нарсаларни танла, нархини ҳам келишиб, илоҳи борица арзон қилиб олишга ҳаракат қил”, дейди отахон. Бола худди шундай йўл тутди: талашиб-тортишиб, энг яхши нарсаларни арзон нархда сотиб олади. Уйга қайтган: “Балли ўғлим, чиндан ҳам берган пулимини қайтариб олиб келибсан”, деб ўғлининг ишидан мамнун бўлади отаси.

Демак, болага пул бергандан сўнг, уни қандай сарфлаганини албатта, назорат қилиш керак экан. Француз олими Д. Лассаре таъкидлашича, ота-она болага пул бераётиб, уни тўғри сарфлаши лозимлигини ўқитиши керак. Психолог

ҚАНЧА ПУЛ БЕРИШ КЕРАК?



олимлар К.Дэвис ва Р.Тейлорнинг “Болалар ва пул” китобидидаги маслаҳатларга кўра, ота-оналар болаларга пул беришда айрим қоидаларга риоя этишлари шарт экан. Масалан, аввало болага пулни 6-7 ёшдан кейин бериш, шунда

ҳам пулнинг қийинчилик билан топилаётганини унга тушунтириш даркор.

Олимларнинг ўқитишича, бола ёши улғайгани сари унга бериладиган пул миқдори ҳам кўпайтириб борилади. Бордию бола пулни қисқа вақт ичида ишлатиб қўйса, кейинги сафар ота-она унга кўп пул бермаслиги керак.

Айрим ота-оналар бола мактабда яхши баҳо олса ёки бирор юмушни кўнглидагидек бажарса, уни рағбатлантириш мақсадида қўлига пул тутқазашади. Бу унчалик тўғри йўл эмас. Аксинча, боланинг яхши ишини пул билан ўлчамадан, унинг ўрнига мақтов сўзлари айтиб кўнглини кўтариш қийоф.

Ҳар бир бола эртанги кўннинг эгаси. У вояга етгач, турмуш қуриб, оиласини ҳар жиҳатдан мустаҳкамламоғи керак. Шундай экан, болага кичиклигиданоқ маънавий тарбия билан бирлиқда иқтисодий билимларни ўргатиб бориш шарт бўлади. Чунки, ўғил бола келгусида ўзи мустақил равишда ишлаб маблағ орттириши ва оиланинг бокувчиси бўлиши, оила таъминоти эр кишининг зиммасида эканини тушунмоғи лозим.

Гулсара ЭРНАФАСОВА,
1-республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси

ЭЪЛОН

Мажидова Танзила Хусановнага Тошкент шаҳар Олмасор тумани 298-умумтаълим мактаби томонидан 2000-2001 ўқув йилида 11-“Б” синфни тугатганини ҳақида берилган О’Р-В №0102428 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ЎЗ ҲУҚУҚИНГНИ ЎРГАН ВА КУЧЛИ ШАХСГА АЙЛАН!

Болаларга ўқиб беринг!

Жамиятнинг тўлақонли шахслари бўлиб улғайиши, фаол фуқаролик позициясига ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмасига эга бўлиши учун ўғил-қизларимиз энг аввало ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта эгаллаши жуда муҳим. Шу боис ҳам мамлакатимизда бугунги кунда ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, улар ўртасида ҳуқуқий-тарғибот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат номижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тасдиқлаган лойиҳа асосида Ўзбекистон Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш Ассоциацияси томонидан нашрга тайёрланган "Болалар ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Қонунларида" номли китобча ҳам ўғил-қизларимизнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга, ўз ҳақ-ҳуқуқларини осон ва содда услубда ўрганишларига ёрдам беради.

ИНСОН ҲУҚУҚИ – БОЛА ҲУҚУҚИДАН БОШЛАНАДИ

– Биз бола деб билган шахсларга (яъни 18 ёшга тўлмаганларга);

– етим болаларга (ота-онаси вафот этган тақдирда);

– оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилинишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, жумладан;

– ногирон болаларга (қонуний асосда ногирон деб эътироф этилган болалар);

– жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга;

– агар ҳуқуқбузарлик содир этиб, маълум муассасаларда жазо ўтаётган бўлсанг;

– агар васийликка олинган бўлсанг (васийлик 14 ёшга тўлмаган болалар учун белгиланади);

– агар ҳомий билан яшаётган

Қонунлар дунёда барчага керак, Ҳақини танганининг йўллари раван. Ҳуқуқинг ўргансанг кичкинтой дўстим, Дадил одимлайсан келажак томон.

бўлсанг (ҳомийлик 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга белгиланади).

3-модда

Сен яшаш ва соғлом ўсиб-ўлғайиш ҳуқуқига эгасан.

8-модда

Бу ҳуқуқларинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24- ва 40-моддаларида ҳам ўз аксини топган.

Ҳар бир бола — ўзгача. Ҳеч бири бир-бирига ўхшамайди. Ва мен сенинг шахсий ҳижат ва хусусиятларинг сақланиб қолишини кафолатлайман. Туғилган пайтингдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллат ва

фуқаролик ҳуқуқига ва уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эгасан. Агар сени фуқароликдан ва исминдан ноқонуний маҳрум қилишган бўлса, мен сенга ёрдам берман ва ҳимояни кафолатлайман.

9-модда

Ўшбу ҳуқуқлар «Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-, 17- ва 18-моддаларида қайд этилган бўлиб, боланинг эркинлиги

ва дахлсизлигини белгилайди. Фарзандли оилаларнинг ҳар бирига ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

12-модда

Агар сенинг уканг ёки синглинг туғилса, онанга болалар нафақаси деб номланадиган ёрдам пуллари берилади. Уй-жой, озиқ-овқат ва кийим-бош билан тўлиқ таъминланишинг учун Давлат ота-онанга ёрдам беради. Сен оилада тарбияланиш, ўз ота-онанг ғамхўрлигидан фойдаланиш, ота-онанг қайси мамлакатда бўлишмасин, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эгасан. Агар ота-онанг бир-биридан алоҳида яшашга қарор қилсалар, уларнинг қай бири билан яшаш борасида сенинг истагинг эътиборга олиниши лозим. Сен ҳам отанг, ҳам онанг билан муомала қилиш ҳуқуқига эгасан. Агар ота-онанг сенга шафқатсизлик қилсалар, сени улардан ажратиб олишлари мумкин.

13-модда

1992 йил – Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинди.



Сени яшаётган мамлакатингдан ноқонуний равишда олиб кетишлари мумкин эмас.

14-модда

Сен бошқа одамларни камситмаган ҳолда, ўз фикрингни эркин ифодалаш ҳуқуқига эгасан. Агар сенга дахлдор қарорлар қабул қилинаётган бўлса, катталар сенинг фикрингни ҳам ҳисобга олишлари лозим. Бироқ шуни ёдингда сақлагинки, агар бошқаларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган бўлсанг, сенинг сўз эркинлигингга ҳам барҳам берилиши мумкин.

15-модда

... Сенга зиён етказиши мумкин бўлган раҳмсизлик ва ахлоқсизликни тарғиб этадиган ахборот тарқатилишини таъқиқлайман.

16-модда

Менинг Давлатимда ҳар бир бола ўз уй-жойига – дам оладиган, машғулотларга тайёрланадиган, ўз дўстларини олиб келиши ва мулоқот юритиши мумкин бўлган масканига эга бўлиши лозим. Сени ўз уйингдан маҳрум қилишга ва кўчага ҳайдаб чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

19-модда

Сен эксплуатациядан ҳимояланиш ҳуқуқига эгасан. Сен соғлигингга зарар етказадиган ва ўқилишга ҳалал берадиган ишларни бажармаслигинг керак. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

37-модда

Гарчи ҳали ёшсан, асосий вазифанг ўқишдан иборат бўлса-да, мен сенга иш ҳам таклиф қилишим мумкин (14 ёшдан бошлаб – ота-онангнинг рухсати билан), 16 ёшдан бошлаб меҳнат қилиш ҳуқуқига эгасан.

20-модда

Сен ўйнаш, дам олиш, ижод ва спорт билан шугулланиш ҳуқуқига эгасан.

21-модда

Сен энг сифатли ва бепул тиббий хизматларни олиш ҳуқуқига

2008 йил 7 январь — Ўзбекистон Республикасининг «Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган.

эгасан. Сени тўғри даволаётиларми ёки йўқми, сен учун қандай дори-дармонлар ва муолажалар белгиланганини билиш ҳуқуқига эгасан. Менинг Давлатимда ҳалдорлар ҳамда бошқа дори воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёни назорат қилинади.

22-модда

Сен бепул умумий таълим олиш ҳуқуқига эгасан.

Конституциянинг 41-моддаси

Ногирон бўлсанг ёки жисмоний, ақлий ривожланишида бирон камчилик мавжуд бўлса, ёхуд айни вақтда мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган бўлсанг (масалан, қочоқ болалар), сен алоҳида ҳимоямга ҳақлисан. Муносиб ҳаёт кечиришинг ва яхши ўсиб-ўлғайишинг учун сенга ёрдам бериш мажбуриятини ўз зиммамга оламан.

24, 25, 27, 28, 29-моддалар Давлат ва жамият етим болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъ-

**Ҳуқуқларингни сенга
Тушунтирай, қулоқ сол.
Сўзларимнинг мағзин чак,
Ўз ҳақингни англаб ол.**

минлайди.

Конституциянинг 64-моддаси

Ҳамма болалар қонун олдида тенг ҳуқуқлидир.


Конституциянинг 65-моддаси

...Ҳар бир боланинг бепул мажбурий умумий (мактаблар, лицейларда) ўрта таълим, шунингдек, ўрта махсус касб-хунар (коллежларда) таълим олиши кафолатланади. Сен мактабга мунтазам равишда қатнаб, билим олишинг керак.

23-модда

Агар ота-онанг бўлмаса, сенга алоҳида ҳимоя ва ёрдам берилишини кафолатлайман. Сен асраб олиниш ҳуқуқига эгасан.

24, 26, 27-моддалар



Оила ва жамият
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
матрифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-
қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Лўқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 526. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 7415. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: У. Адизова
Мусахҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида 9 772010 760007
терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5